

## Ўзбекистон Республикасида олий таълим

2025/2026 ўқув йили бошига


- I. Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари
- II. Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар
- III. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар
- IV. Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари
- V. Олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчи ходимлари (ўриндошларсиз)
- VI. Олий таълим кўрсаткичлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар

### I. Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари

Ўзбекистон Республикасида **олий таълим** узлуксиз таълим тизимининг мустақил тури ҳисобланади ва республика қонунчилигига мувофиқ умумий ўрта ва ўрта махсус, профессионал таълим негизда олий таълим ташкилотларида амалга оширилади.

#### Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони


(тегишли ўқув йили бошига)



Ўзбекистон Республикасида 2025/2026 ўқув йили бошига фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони **215 тани** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йили бошига нисбатан **7 тага**, яъни **3,2 % га** камайган.

#### Фаолият юритаётган нодавлат олий таълим ташкилотлари сони

(тегишли ўқув йили бошига)



2025/2026 ўқув йили бошига республикада **97 та** нодавлат олий таълим ташкилоти фаолият юритган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан уларнинг сони **2 тага**, яъни **2,0 % га** қисқарган.

**Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари  
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025/2026 ўқув йили бошига)

	Олий таълим ташкилотлари сони		шундан: нодавлат олий таълим ташкилотлари	
	Жами (бирлик)	умумий сонига нисбатан % да	Жами (бирлик)	умумий сонига нисбатан % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>215</b>	<b>100</b>	<b>97</b>	<b>100</b>
<i>ҳудудлар:</i>				
Қорақалпоғистон Респ.	11	5,1	2	2,1
Андижон вилояти	9	4,2	3	3,1
Бухоро вилояти	11	5,1	7	7,2
Жиззах вилояти	5	2,3	2	2,1
Қашқадарё вилояти	9	4,2	6	6,2
Навоий вилояти	5	2,3	3	3,1
Наманган вилояти	6	2,8	2	2,1
Самарқанд вилояти	14	6,5	-	-
Сурхондарё вилояти	8	3,7	3	3,1
Сирдарё вилояти	3	1,4	-	-
Тошкент вилояти	19	8,8	7	7,2
Фарғона вилояти	9	4,2	3	3,1
Хоразм вилояти	8	3,7	3	3,1
Тошкент шаҳри	98	45,6	56	57,7

2025/2026 ўқув йили бошига фаолият юритаётган олий таълим ташкилотларининг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**98 та**), Тошкент (**19 та**) ва Самарқанд (**14 та**) вилоятларида қайд этилган, энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**3 та**), Навоий ва Жиззах (ҳар бир **ҳудудда 5 тадан**) вилоятларида кузатилган.

Нодавлат олий таълим ташкилотларига келсак, уларнинг энг кўп сони Тошкент шаҳри (**56 та**), Бухоро ва Тошкент (ҳар бир ҳудудда **7 тадан**) вилоятларида қайд этилган, энг паст кўрсаткичлар эса Жиззах, Наманган вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида (ҳар бир ҳудудда **2 тадан**) кузатилган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида эса улар мавжуд эмас.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Фаолият юритаётган олий таълим ташкилотлари сони](#)

[Фаолият юритаётган хорижий олий таълим ташкилотлари сони](#)


[Фаолият юритаётган нодавлат олий таълим ташкилотлари сони](#)

## II. Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар

Ўзбекистон Республикасида 2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони **409,7 минг нафарни** ташкил этди. 2024/2025 ўқув йилига нисбатан мазкур кўрсаткич **28,0 минг нафарга**, ёки **7,3 %** га ошди.

### Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2025/2026 ўқув йилида қабул қилинган қизлар сони **226,8 минг нафарни**, ўғил болалар сони эса **182,9 минг нафарни** ташкил этган. Бунда қизларнинг улуши қабул қилинган талабалар умумий сонининг **55,4 % ини**, ўғил болалар улуши эса **44,6 % ини** ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, 2023/2024 ўқув йилидан бошлаб қабул қилинган қизлар сони ўғил болалар сонидан юқори бўлиб келмоқда. Олдинги ўқув йилига нисбатан қабул қилинган қизлар сони **30,1 минг нафарга**, ёки **15,3 % га ошган** бўлса, ўғил болалар сони **2,1 минг нафарга**, ёки **1,1 % га** камайган.

2025/2026 ўқув йили бошига бакалавриат таълим дастурларига **372,9 минг нафар** қабул қилинган бўлиб, бу 2024/2025 ўқув йили бошига нисбатан **12,8 минг нафарга**, ёки **3,6 % га** кўп бўлган.

Кўриб чиқилаётган даврда энг юқори ўсиш магистратура таълим дастурлари бўйича кузатилган. Магистратурага қабул қилинганлар сони 2024/2025 ўқув йилидаги **21,6 минг нафардан** 2025/2026 ўқув йилида **36,8 минг нафарга** етди, яъни **15,2 минг нафарга**, ёки **70,4 % га** ошди. Магистратуранинг умумий қабулдаги улуши **9,0 % га** етган бўлса, бир йил аввал бу кўрсаткич **5,7 % ни** ташкил этган.

**Олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар  
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Жами қабул қилинган талабалар сони	жамига нисбатан ҳудудларнинг улуши, % да	қабул қилинган талабалар сонидан:		жами қабул қилинган талабалар сонидан:	
			қиз болалар	ўғил болалар	бакалавриятга қабул	магистратурага қабул
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>409,7</b>	<b>100</b>	<b>226,8</b>	<b>182,9</b>	<b>372,9</b>	<b>36,8</b>
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	14,8	3,6	7,4	7,4	13,3	1,5
Андижон вилояти	16,0	3,9	10,3	5,7	14,7	1,3
Бухоро вилояти	46,6	11,4	30,6	16,0	42,1	4,5
Жиззах вилояти	6,3	1,5	3,8	2,5	5,8	0,5
Қашқадарё вилояти	18,5	4,5	11,2	7,3	16,0	2,5
Навоий вилояти	9,2	2,2	5,5	3,7	8,5	0,7
Наманган вилояти	18,5	4,5	12,2	6,3	17,2	1,3
Самарқанд вилояти	22,9	5,6	12,9	10,0	21,3	1,6
Сурхондарё вилояти	14,8	3,6	8,3	6,5	13,6	1,2
Сирдарё вилояти	5,2	1,3	3,3	1,9	4,9	0,3
Тошкент вилояти	19,5	4,8	9,4	10,1	17,9	1,6
Фарғона вилояти	26,9	6,6	16,4	10,5	25,6	1,3
Хоразм вилояти	16,5	4,0	10,9	5,6	15,1	1,4
Тошкент шаҳри	174,0	42,5	84,6	89,4	156,9	17,1

2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотларига қабул қилинган талабалар сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**174,0 минг**), Бухоро (**46,6 минг**) ва Фарғона (**26,9 минг**) вилоятларида кузатилган, энг паст кўрсаткичлар эса Сирдарё (**5,2 минг**), Жиззах (**6,3 минг**) ва Навоий (**9,2 минг**) вилоятларида қайд этилган.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида қабул қилинган қизлар сони ўғил болалар сонидан юқори бўлган. Қабул қилинган талабалар таркибида қизларнинг энг юқори улуши Хоразм (**66,1 %**), Наманган (**65,9 %**) ва Бухоро (**65,7 %**) вилоятларида кузатилган. Шу билан бирга, ўғил болалар улуши Тошкент шаҳри (**51,4 %**) ва Тошкент вилоятида (**51,8 %**) қизлар улушидан юқори бўлган. Қорақалпоғистон Республикасида эса қизлар ва ўғил болалар нисбати тенг бўлиб, **ҳар бири 50,0 %** ни ташкил этган.

Олий таълим даражалари кесимида бакалавриятга қабул қилинган талабалар сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**156,9 минг**), Бухоро (**42,1 минг**) ва Фарғона (**25,6 минг**) вилоятларида қайд этилган.

Магистратура дастурлари бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчилик қилган. Бу ерда **17,1 минг нафар** талаба қабул қилинган бўлиб, бу магистратурага қабул қилинганларнинг қарийб ярмини ташкил этган. Кейинги ўринларда Бухоро (**4,5 минг**) ва Қашқадарё (**2,5 минг**) вилоятлари турган.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Олий таълим ташкилотларининг бакалаврият йўналишларига қабул қилинган талабалар сони](#)


[Олий таълим ташкилотларининг магистратура мутахассисларига қабул қилинган талабалар сони](#)

### III. Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар

2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотлари талабалари сони **1 535,0 минг нафарни** ташкил этган. 2024/2025 ўқув йилига нисбатан мазкур кўрсаткич **102,2 минг нафарга**, ёки **7,1 % га** ошган.

#### Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони

(тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2025/2026 ўқув йилида қизлар сони **782,9 минг нафарни**, ўғил болалар сони эса **752,1 минг нафарни** ташкил этган. Шундай қилиб, талабалар умумий сонида қизларнинг улуши **51,0 % ни**, ўғил болаларнинг улуши эса **49,0 % ни** ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, сўнгги икки ўқув йилида қизлар сони ўғил болалар сонидан юқори бўлиб, бу олий таълимда қизларнинг иштироки кучайиб бораётганини кўрсатади. 2024/2025 ўқув йилига нисбатан қизлар сони **58,2 минг нафарга**, ёки **8,0 % га**, ўғил болалар сони эса **44,0 минг нафарга**, ёки **6,2 % га** ошган.

2025/2026 ўқув йили бошига бакалавриат талабалари сони **1 478,7 минг нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **85,7 минг нафарга**, ёки **6,2 % га** кўпайган.

Магистратура талабалари сони ҳам сезиларли даражада ошган. 2025/2026 ўқув йилида улар **56,3 минг нафарни** ташкил этиб, 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **16,5 минг нафарга**, ёки **41,5 % га** кўпайган.

**Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар  
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Жами талабалар сони	жамига нисбатан ҳудудларнинг улуши, % да	таҳсил олаётган талабалар сонидан:		жами талабалар сонидан:	
			қиз болалар	ўғил болалар	бакалавриятда ўқиётганлар	магистратурада ўқиётганлар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>1 535,0</b>	<b>100</b>	<b>782,9</b>	<b>752,1</b>	<b>1 478,7</b>	<b>56,3</b>
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	73,7	4,8	39,9	33,8	71,4	2,3
Андижон вилояти	65,7	4,3	37,3	28,4	63,6	2,1
Бухоро вилояти	117,7	7,7	65,3	52,4	111,8	5,9
Жиззах вилояти	32,4	2,1	18,4	14,0	31,6	0,8
Қашқадарё вилояти	111,6	7,3	60,4	51,2	107,6	4,0
Навоий вилояти	42,5	2,8	25,3	17,2	41,5	1,0
Наманган вилояти	52,5	3,4	27,7	24,8	50,8	1,7
Самарқанд вилояти	93,9	6,1	48,8	45,1	91,1	2,8
Сурхондарё вилояти	76,2	5,0	44,3	31,9	74,1	2,1
Сирдарё вилояти	23,2	1,5	13,7	9,5	22,7	0,5
Тошкент вилояти	101,5	6,6	38,2	63,3	99,4	2,1
Фарғона вилояти	98,9	6,4	56,4	42,5	96,7	2,2
Хоразм вилояти	65,9	4,3	42,8	23,1	63,6	2,3
Тошкент шаҳри	579,3	37,7	264,4	314,9	552,8	26,5

2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотлари талабалари сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**579,3 минг**), Бухоро (**117,7 минг**) ва Қашқадарё (**111,6 минг**) вилоятларида кузатилган. Талабалар сонининг энг паст кўрсаткичлари эса Сирдарё (**23,2 минг**), Жиззах (**32,4 минг**) ва Навоий (**42,5 минг**) вилоятларида қайд этилган.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида қизлар сони ўғил болалар сонидан юқори бўлган. Талабалар таркибида қизларнинг энг юқори улуши Хоразм (**64,9 %**), Навоий (**59,5 %**) ва Сирдарё (**59,1 %**) вилоятларида кузатилган. Шу билан бирга, ўғил болалар улуши Тошкент шаҳри (**54,4 %**) ва Тошкент вилоятида (**62,4 %**) қизлар улушидан юқори бўлган.

Олий таълим даражалари кесимида бакалаврият талабалари сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**552,8 минг**), Бухоро (**111,8 минг**) ва Қашқадарё (**107,6 минг**) вилоятларида қайд этилган. Магистратура дастурлари бўйича ҳам Тошкент шаҳри (**26,5 минг**), Бухоро (**5,9 минг**) ва Қашқадарё (**4,0 минг**) вилоятлари етакчилик қилган.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони \(жами\)](#)

[Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони \(қиз болалар\)](#)

[Олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони \(ўғил болалар\)](#)

[Нодавлат олий таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони \(жами\)](#)


[Кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар сони](#)

[Кечки таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар сони](#)  
[Сиртқи таълим шаклида таҳсил олаётган талабалар сони](#)  
[Ҳар 10 000 аҳолига нисбатан олий таълим ташкилотларининг талабалари сони](#)

#### IV. Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари

2025 йилда олий таълим ташкилотлари битирувчилари сони **225,9 минг нафарни** ташкил этган. 2024 йилга нисбатан мазкур кўрсаткич **14,7 минг нафарга**, ёки **7,0 % га** ошган.

Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони  
(тегишли йил учун, минг киши)



2025 йилда битирувчилар орасида қизлар сони **112,5 минг нафарни**, ўғил болалар сони эса **113,4 минг нафарни** ташкил этган. Шундай қилиб, битирувчилар умумий сонидан қизларнинг улуши **49,8 % ни**, ўғил болаларнинг улуши эса **50,2 % ни** ташкил этган. Таъкидлаш жоизки, ўғил болалар сони қизлар сонидан бироз юқори бўлган. 2024 йилга нисбатан қизлар сони **10,6 минг нафарга**, ёки **10,4 % га**, ўғил болалар сони эса **4,1 минг нафарга**, ёки **3,8 % га** ошган.

2025 йилда бакалавриат битирувчилари сони **214,7 минг нафарни** ташкил этган ва 2024 йилга нисбатан **10,6 минг нафарга**, ёки **5,2 % га** кўпайган.

Магистратура битирувчилари сони ҳам ошган. 2025 йилда улар **11,2 минг нафарни** ташкил этиб, 2024 йилга нисбатан **4,1 минг нафарга**, ёки **57,7 % га** ошган.

**Олий таълим ташкилотлари битирувчилари  
сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши**  
(2025 йил учун, минг киши)

	Жами битирувчилар сони	жамига нисбатан ҳудудларнинг улуши, % да	битирувчилар сонидан:		жами битирувчилар сонидан:	
			қиз болалар	ўғил болалар	бакалавриятни тугатганлар	магистратурани тугатганлар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>225,9</b>	<b>100</b>	<b>112,5</b>	<b>113,4</b>	<b>214,7</b>	<b>11,2</b>
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	12,6	5,6	6,9	5,7	12,2	0,4
Андижон вилояти	10,3	4,6	5,1	5,2	10,1	0,2
Бухоро вилояти	9,2	4,1	5,8	3,4	8,4	0,8
Жиззах вилояти	8,8	3,9	5,0	3,8	8,6	0,2
Қашқадарё вилояти	15,1	6,7	7,0	8,1	14,9	0,2
Навоий вилояти	8,5	3,8	5,0	3,5	8,3	0,2
Наманган вилояти	11,4	5,0	5,8	5,6	10,9	0,5
Самарқанд вилояти	20,2	8,9	10,0	10,2	19,4	0,8
Сурхондарё вилояти	14,3	6,3	7,7	6,6	13,9	0,4
Сирдарё вилояти	5,5	2,4	2,9	2,6	5,3	0,2
Тошкент вилояти	11,2	5,0	4,9	6,3	11,1	0,1
Фарғона вилояти	16,0	7,1	8,6	7,4	15,5	0,5
Хоразм вилояти	8,6	3,8	5,7	2,9	8,3	0,3
Тошкент шаҳри	74,2	32,8	32,1	42,1	67,8	6,4

2025 йилда олий таълим ташкилотлари битирувчилари сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**74,2 минг**), Самарқанд (**20,2 минг**) ва Фарғона (**16,0 минг**) вилоятларида кузатилган. Битирувчилар сонининг энг паст кўрсаткичлари эса Сирдарё (**5,5 минг**), Навоий (**8,5 минг**) ва Хоразм (**8,6 минг**) вилоятларида қайд этилган.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида қизлар сони ўғил болалар сонидан юқори бўлган. Битирувчилар таркибида қизларнинг энг юқори улуши Хоразм (**66,3 %**), Бухоро (**63,0 %**) ва Навоий (**58,8 %**) вилоятларида кузатилган. Шу билан бирга, Тошкент шаҳри (**56,7 %**), Тошкент (**56,3 %**), Қашқадарё (**53,6 %**), Самарқанд ва Андижон (ҳар бир ҳудудда **50,5 %**) вилоятларида ўғил болалар улуши қизлар улушидан юқори бўлган.

Олий таълим даражалари кесимида бакалаврият битирувчилари сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**67,8 минг**), Самарқанд (**19,4 минг**) ва Фарғона (**15,5 минг**) вилоятларида қайд этилган. Магистратура дастурлари бўйича ҳам Тошкент шаҳри етакчилик қилган. Бу ерда **6,4 минг нафар** битирувчи тайёрланган бўлиб, бу магистратура битирувчиларининг **57,1 % ини** ташкил этган. Кейинги ўринларда Бухоро ва Самарқанд вилоятлари (ҳар бир ҳудудда **0,8 минг нафардан**) турган.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони \(жами\)](#)


[Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони \(қиз болалар\)](#)

[Олий таълим ташкилотларининг битирувчилари сони \(ўғил болалар\)](#)

## V. Олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчи ходимлари (ўриндошларсиз)

2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотларидаги профессор-ўқитувчи ходимлар (ўриндошларсиз) сони **54,9 минг нафарни** ташкил этган ва 2024/2025 ўқув йилига нисбатан **5,3 минг нафарга**, ёки **10,7 %** га ошган.

### Олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчи ходимлари (ўриндошларсиз) сони (тегишли ўқув йили бошига, минг киши)



2025/2026 ўқув йилида профессор-ўқитувчи ходимлари орасида аёллар сони **24,8 минг нафарни (45,2 %)**, эркаклар сони эса **30,1 минг нафарни (54,8 %)** ташкил этган. 2024/2025 ўқув йилига нисбатан аёллар сони **1,9 минг нафарга**, ёки **8,3 %** га, эркаклар сони эса **3,4 минг нафарга**, ёки **12,7 %** га ошган.

### Олий таълим ташкилотлари профессор-ўқитувчи ходимлари (ўриндошларсиз) сонининг ҳудудлар кесимида тақсимланиши (2025/2026 ўқув йили бошига, минг киши)

	Жами профессор-ўқитувчи ходимлар сони	жамига нисбатан ҳудудларнинг улуши, % да	улардан:		умумий сонидан, % да	
			аёллар	эркаклар	аёллар	эркаклар
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>54,9</b>	<b>100</b>	<b>24,8</b>	<b>30,1</b>	<b>45,2</b>	<b>54,8</b>
<i>ҳудудлар:</i>						
Қорақалпоғистон Респ.	2,8	5,1	1,4	1,4	50,0	50,0
Андижон вилояти	3,1	5,6	1,3	1,8	41,9	58,1
Бухоро вилояти	4,1	7,5	1,7	2,4	41,5	58,5
Жиззах вилояти	2,3	4,2	1,0	1,3	43,5	56,5
Қашқадарё вилояти	3,0	5,5	1,2	1,8	40,0	60,0
Навоий вилояти	1,4	2,6	0,7	0,7	50,0	50,0
Наманган вилояти	2,0	3,6	0,6	1,4	30,0	70,0
Самарқанд вилояти	3,6	6,6	1,5	2,1	41,7	58,3
Сурхондарё вилояти	2,0	3,6	0,9	1,1	45,0	55,0
Сирдарё вилояти	0,8	1,5	0,3	0,5	37,5	62,5
Тошкент вилояти	2,6	4,7	1,1	1,5	42,3	57,7
Фарғона вилояти	3,7	6,7	1,4	2,3	37,8	62,2
Хоразм вилояти	2,3	4,2	1,2	1,1	52,2	47,8
Тошкент шаҳри	21,2	38,6	10,5	10,7	49,5	50,5

2025/2026 ўқув йили бошига олий таълим ташкилотларидаги профессор-ўқитувчи ходимлар (ўриндошларсиз) сонининг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳри (**21,2 минг**), Бухоро (**4,1 минг**), Фарғона (**3,7 минг**) ва Самарқанд (**3,6 минг нафар**) вилоятларида кузатилган. Ўқитувчилар сонининг энг паст кўрсаткичлари эса Сирдарё (**0,8 минг**), Навоий (**1,4 минг**), Наманган ва Сурхондарё (ҳар бир ҳудудда **2,0 минг нафардан**) вилоятларида қайд этилган.

Гендер кесимида ҳудудларнинг аксариятида профессор-ўқитувчи ходимлари (ўриндошларсиз) орасида эркаклар сони аёллар сонидан юқори бўлган. Эркакларнинг энг юқори улуши Наманган (**70,0 %**), Сирдарё (**62,5 %**), Фарғона (**62,2 %**) ва Қашқадарё (**60,0 %**) вилоятларида кузатилган.

Шу билан бирга, аёллар улуши фақат Хоразм вилоятида (**52,2 %**) эркаклар улушидан юқори бўлган. Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилоятида эса аёллар ва эркаклар нисбати тенг бўлиб, **ҳар бири 50,0 % ни** ташкил этган.

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

[Олий таълим ташкилотларининг профессор-ўқитувчи ходимлари \(ўриндошларсиз\) сони](#)

## **VI. Олий таълим кўрсаткичлари бўйича услубий тушунтиришлар ва метамаълумотлар**

**Олий таълим** тизими қуйидагилардан иборат:

- олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича давлат таълим стандартларига мувофиқ, фанларнинг дастурлари ва ўқув режаларини амалга оширадиган давлат ва нодавлат олий таълим ташкилотлари;
- олий таълимни норматив-ҳуқуқий ва илмий-услубий таъминоти бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб боровчи илмий-педагогик муассасалар;
- олий таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари, шунингдек, уларга бўйсунувчи корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар.

Олий таълим **бакалавриат** таълим йўналишлари ва **магистратура** мутахассисликлари бўйича юқори малакали кадрлар тайёрланишини таъминлайди.

**Бакалавриат** олий таълим йўналишларидан бири бўйича чуқурлаштирилган билим, малака ва кўникмалар берадиган, ўқиш давомийлиги камида уч йил бўлган таянч олий таълимдир.

**Магистратура** тегишли бакалавриат негизидаги аниқ мутахассислик бўйича ўқиш давомийлиги камида бир йил бўлган олий таълимдир.

Ўзбекистон Республикасида олий таълим бўйича статистик маълумотлар йиллик статистика ҳисоботи – **1 oliy ta'lim shakli** “Олий таълим ташкилотининг ҳисоботи” маълумотлари асосида шакллантирилади. Мазкур статистик ҳисобот мулкчилик шаклидан қатъи назар барча олий таълим ташкилотлари томонидан тақдим этилади.

Олий таълим ташкилотларининг статистик ҳисоботи қабул қилинган ва таҳсил олаётган талабалар, битирувчилар, профессор-ўқитувчи ходимлар сони, таълим шакллари ва турлари, шунингдек, олий таълим тизимини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олади. Статистик маълумотлар республика ва ҳудудлар кесимида тақдим этилади. Қабул қилинган ва таҳсил олаётган талабалар, профессор-ўқитувчи ходимлар сони ва моддий-техника базаси каби кўрсаткичлар ўқув йили бошига, битирувчилар сони эса ўтган йил якунларига асосан кўрсатилади.

**Таълим ташкилотларига қабул қилиш** – ушбу ўқув йилида ўқишга қабул қилинганларнинг сонини кўрсатади. Қабул қилинганлар сонига иккинчи йилга қолдирилганлар ва аввал ўқиганлар орасидан қайтиб келганлар киритилмайди.

**Таълим ташкилотларида таҳсил олаётган талабалар сони** – олий таълим ташкилотларида ўқиётган ва ўқув йили бошида рўйхатда турганлар сони.

**Таълим ташкилотларини битирганлар** – таълим ташкилотларида ўқув курсини тўлиқ тугатган ва тегишли маълумот (мутахассислик)га эга бўлган шахслар сони.

**Профессор-ўқитувчи ходимлари сони** – олий таълим ташкилотларида талабаларга таълим бериш билан шуғулланувчи, шунингдек, ўқув-услубий ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширувчи шахслар сони.

Жамланган маълумотлар таълим тизими ривожланишини мониторинг қилиш, режалаштириш, асосли қарорлар қабул қилиш ва сиёсатни ишлаб чиқиш, шунингдек, Барқарор ривожланиш мақсадлари (БРМ) ва бошқа халқаро мажбуриятлар доирасида халқаро ҳисоботлар тайёрлаш учун фойдаланилади.

**Фойдали ҳаволалар:**

[Таълим статистикаси бўйича услубий Низом](#)

[МСКО 2011](#)

[МСКО-0 2013](#)

**Тайёрлаш учун масъул:**  
Ижтимоий соҳа статистикаси  
бошқармаси

**Манзил:** 100170, Тошкент ш.,  
Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63  
**Эл. манзил:** [info@stat.uz](mailto:info@stat.uz)  
**Тел.:** (71) 203-80-00 (ички рақам: 1305)

